O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
TOMDI TUMANI
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ТАМДЫНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Янги Томди қ. **№ Қ – 215** **« 11 » 09. 2020 йил**

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2021 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2021 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича махсус комиссия таркиби 1-иловага, туман бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил

учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 5 фоизи миқдорида, бу 64 кишини (2-иловага мувофиқ) ташкил этади.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 14 фоиз (9 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 79,7 фоиз (51 киши);

ногиронлиги бўлган шахслар учун 3,1 фоиз (2 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 3,1 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2020 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойларини умумий миқдорининг камида 25 (йигирма беш) фоизи учун, 2021 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 (етмиш беш) фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва мазкур қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринларини банд қилган корхона ва ташкилотлар томонидан 2021 йил 1 апрелига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва

тартибда яратилишини (ажратилиши ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 22-бандига мувофиқ жарима солиниши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Ешжанов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларга етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 27 сентябрдаги Қ-380-сонли қарори 2021 йил 1 январдан ўз кучини йўқотиши белгилаб қўйилсин.

10. Мазкур қарор туман "Тамды шаруагері" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Саденов ва туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори А.Ешжанов зиммасига юклансин.

12. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Қ.Алдабергенов**

Туман ҳокимининг
2020 йил “ 11 ” сентябрдаги
Қ-215–сонли қарорига
1-илова

Белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича махсус комиссия
Т А Р К И Б И

Т/р	Ф. И. Ш	Лавозими
1.	С.Саденов	Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, **комиссия раиси**
А Ъ З О Л А Р И		
2.	А.Ешжанов	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, **комиссия раиси ўринбосари**
3.	Ж.Сарсенбаев	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг ишсизларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш шуъбаси бошлиғи, **комиссия котиби**
4.	Р.Ескабулов	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи
5.	Б.Хидиров	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
6.	М.Базарбаев	Туман Халқ таълими бўлими мудири
7.	Ж.Ходжаев	Ижтимоий мослашув маркази туман бўлими бошлиғи

Изоҳ: *комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Туман Аҳоли бандлигига
кўмаклашиш маркази директори **А.Ешжанов**

Туман ҳокимининг
2020 йил “ 11 ” сентябрдаги
Қ-215–сонли қарорига
2-илова

Туман бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар РЎЙХАТИ

№	Ижтимоий муҳофазага мухтож , иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Штат жадвали бўйича ходимлар-нинг умумий сони	Келгуси 2021 йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	Шу жумладан						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус , касб-ҳунар таълими муассасалари-нинг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бушатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1	Томди тумани Тиббиёт бирлашмаси	329	20	3	15	0	1	1	0	0
2	Томди тумани Ободонлаштириш бошқармаси	53	7	2	5	0	0	0	0	0
3	Туман Табий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга иқтисослаштирилган мактаб интернати	48	2	0	2	0	0	0	0	0
4	Томди тумани 1 умумий ўрта таълим мактаби	42	2	0	2	0	0	0	0	0
5	Томди тумани 3 умумий ўрта таълим мактаби	42	2	0	2	0	0	0	0	0

6	Томди тумани 4 умумий ўрта таълим мактаби	32	1	0	1	0	0	0	0	0
7	Томди тумани 5 умумий ўрта таълим мактаби	29	1	0	1	0	0	0	0	0
8	Томди тумани 6 умумий ўрта таълим мактаби	34	1	0	1	0	0	0	0	0
9	Томди тумани 7 умумий ўрта таълим мактаби	35	1	0	1	0	0	0	0	0
10	Томди тумани 8 умумий ўрта таълим мактаби	37	1	0	1	0	0	0	0	0
11	Томди тумани 9 умумий ўрта таълим мактаби	31	1	0	1	0	0	0	0	0
12	Томди тумани 10 умумий ўрта таълим мактаби	31	1	0	1	0	0	0	0	0
13	Томди тумани 11 умумий ўрта таълим мактаби	27	1	0	1	0	0	0	0	0
14	Томди тумани 12 сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби	25	1	0	1	0	0	0	0	0
15	Томди тумани 13 умумий ўрта таълим мактаби	31	1	0	1	0	0	0	0	0
16	Томди тумани 17 умумий ўрта таълим мактаби	34	1	0	1	0	0	0	0	0
17	Томди тумани 18 умумий ўрта таълим мактаби	28	1	0	1	0	0	0	0	0
18	Томди тумани 21 умумий ўрта таълим мактаби	38	1	0	1	0	0	0	0	0
19	Томди тумани 25 умумий ўрта таълим мактаби	32	1	0	1	0	0	0	0	0
20	Томди тумани Давлат ўрмон хўжалиги бўлими	38	2	1	1	0	0	0	0	0

21	Томди тумани Давлат солиқ инспекцияси	21	1	0	1	0	0	0	0	0
22	Томди тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	28	2	0	2	0	0	0	0	0
23	Томди тумани Маданият бўлими	31	1	0	1	0	0	0	0	0
24	Томди тумани Йўл бўлими	108	7	2	3	0	1	1	0	0
25	Томди тумани Халқ таълими бўлими	35	3	1	2	0	0	0	0	0
26	Томди тумани 26 умумий ўрта таълим мактаби	20	1	0	1	0	0	0	0	0
Туман бўйича жами:		**1239**	**64**	**9**	**51**	**0**	**2**	**2**	**0**	**0**

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **А.Ешжанов**

Туман Статистика бўлими бошлиғи **Е.Жусипбеков**

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи **Ш.Бердиев**